

ЖАДИД АДИБЛАРИНИНГ МАЊНАВИЙ МЕРОСИДА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ
МАСАЛАСИ

Султанов Суннатулла Джураевич

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Академияси тингловчиси

Аннотация: Уибу мақолада бугунги глобаллашув даврида юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, ёшларга яратиб берилаётган эътибор, уларни ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялаши масаласига алоҳида тўхталиб ўтилган. Шунингдек, XIX аср охири XX аср бошларида Ватанимиз тарихида муҳим ўринга эга бўлган жадидчилик ҳақида маълумот берилган.

Калит сўзлар: мањнавий-маърифий ислоҳотлар, жадидчилик ҳаракати, таълимтарбия, яхши хулқ, ёшлар тарбияси, миллат келажаги.

Дарҳақиқат, бугунги глобаллашув даврида бутун дунёда кескин ғоявий курашлар ва турли мағкураларнинг ўзаро тўқнашуви, демократия ёки турли диний таълимотлар қарашлари билан ниқобланган ёвуз ғояларни сингдиришга интилиш кучайиб бормоқда. Дунёда кечаётган глобаллашув жараёнлари инсоният хавфсизлиги ва мамлакатлар барқарорлигини таъминлаш билан алоқадор муаммоларни кун тартибиға олиб чиқмоқда. Тобора авж олиб бораётган мањнавий хуружлар, ёт ғоя ва мағкуралар, заарли ахборотлар оқимининг таъсирида инсон қалби ва онгини забт этишга ҳаракат ҳам кенгайиб бормоқда.

Бунда оммавий ахборот воситалари орқали психологик таъсир ўтказишнинг янгидан-янги усулларидан фойдаланадилар. Хусусан, миллий ҳаётимизга хос муайян хусусиятларни очиқдан-очиқ қоралаш, ерга уриш ёки айrim тарихий воқеа-ходисаларни умуман бўлмагандек, жаҳон маданияти, илму-фанига улкан ҳисса қўшган улуғ алломаларимизни бизга алоқаси йўқдек қилиб кўрсатишга уринишлар мавжуд.

Шундай вазиятда ҳар бир инсон ўзининг эркин ва мустақил фикрига, асрлар давомида шаклланиб келган миллий-мањнавий қадриятларига, кенг дунёқарашиб мустаҳкам иродага эга бўлмаса, турли кўринишдаги мањнавий таҳдидларга бардош бериши амримаҳол.

Глобаллашувнинг мамлакатлар иқтисодий сиёсати ва мањнавиятига ўтказиши мумкин бўлган ижобий ва салбий таъсири Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Махатма Гандининг қўйидаги сўзларида яхши ифодаланган: “Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини доим маҳкам беркитиб ўтира олмайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга очилган эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб уйимни ағдар-тўнтар қилиб ташлаши, ўзимни эса йиқитиб юборишини ҳам истамайман”.

Маънавиятни ҳам бир уйга тўпланган бойликка қиёсласак, ташқаридан кираётган шамол уй ичидағи нарсаларни остин-устин қилиб ташлашини ҳеч бир хонадон соҳиби истамайди. Худди шу каби биз ҳам ёт ғоялар, оқимлар ва мафкуралар маънавиятимизга вайронкор таъсир ўтказишига қарши ҳимоя чоралари қўришимиз табиий. Шундай ғоялар борки, улар очиқ чехра билан эшигимизни тақиллатиб, кириб келади. Шундай ғоялар ҳам борки, улар “ўғри” каби туйнук қидиради.

“Олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарур. Хусусан миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим” [1].

Бугун биз ҳарбий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшларимизни ҳар томонлама билимли, кенг дунёқарашга эга, Ватан тарихига чексиз хурмат, буюк аллома ва мутафаккирларга муносиб авлод, саркарда боболаримизга муносиб давомчи сифатида мустақил ҳаётга кириб боришларини истар эканмиз, аввало, уларга ижтимоий фанларни чуқур ўргатишимиз, уларнинг онги ва қалбida Ватанимиз тарихига чексиз хурмат-эҳтиром туйгуларини янада ривожлантиришимиз даркор.

Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев: “Бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмайлик: биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқмиз. Биз – ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, қийинчилиқдан қўрқмайдиган, адолатни қадрлайдиган, азму шижаатли, буюк халқмиз” деб алоҳида таъкидлайди [1].

Бугун барчамиз бир тану бир жон бўлиб мамлакатимизни янада ривожлантириш, Ватанимиз номини дунёга танитиш учун барча куч ва имкониятларимизни “Янги Ўзбекистон” атрофида бирлаштиришимиз даркор. Янги Ўзбекистон – барчамизнинг эзгу орзумиз, меҳнаткаш, тинчликсевар халқимизнинг орзуси. Унда халқимизнинг азалий умид-ниятлари, юксалиш сари интилишлари ўзига хос тарзда акс этмоқда.

Зеро, бу орзу ўз вақтида Беҳбудий ва Авлоний, Ҳамза ва Мунавварқори, Фитрат ва Чўлпон, Абдулла Қодирий ва Усмон Носир каби минглаб жадид боболаримизни уйғотди [2-18].

Ватанимиз ўзининг кўп асрлик тарихи давомида кўплаб машъум хатарларни ўз бошидан ўтказган. Шундай асоратлар туфайли тилимиз, динимиз ва маънавиятимиз бир пайтлар қандай хавф остида қолганини барчамиз яхши биламиз. Ана шу фожиали ўтмиш, босиб ўтган мاشаққатли йўлимиз барчамизга сабоқ бўлиши, бугунги воқеликни теран таҳлил қилиб, мавжуд таҳдидларга нисбатан доимо огоҳ бўлиб яшашга даъват этиши лозим. Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унугтан миллатнинг келажаги йўқ [3-4].

Мамлакатимиз чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида ўзининг кўплаб осори-атиқаларидан, миллий-маънавий бойлигидан жудо бўлди. Миллатимизни бутунлай мавҳ бўлиш, Ватанни буткул оёқости этилишдан асраб қолиш, авлодларни эрк ва озодлик, мустақиллик руҳида тарбиялаш, маърифат ва тараққиётга бошлиш

XIX аср охири ва XX аср бошларида фаолият олиб борган жадидлар номи билан тарихга кирган миллий зиёлилар зиммасига тушди.

“Тарихимизнинг қайси даврини олмайлик, юртимизда илму маърифат ва юксак маънавиятга интилиш ҳеч қачон тўхтамаганини, халқимиз даҳосининг ўлмас тимсоли сифатида энг оғир ва мураккаб даврларда ҳам яққол намоён бўлиб келганини кўришимиз мумкин.

Масалан, чоризм мустамлакаси даврида маърифат ғоясини баланд кўтариб чиққан жадид боболаримизнинг фаолияти бунга яна бир ёрқин мисол бўла олади. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир каби юзлаб маърифатпарвар, фидойи инсонларнинг ўз шахсий

манфаати, ҳузур-халоватидан кечиб, эл-улус манфаати, юртимизни тараққий топтириш мақсадида амалга оширган эзгу ишлари авлодлар хотирасидан асло ўчмайди” [3-49].

Жадидлар минтақамизда биринчи бўлиб асрлар давомида қотиб қолган эски таълим тизимидан воз кечиб, омма учун янгилик бўлган янги таълим усулини татбиқ қилиш, улар учун дарсликлар яратиш, замонавий олий мактаб (университет) ғоясини илгари сурдилар. Кўплаб жамиятлар ташкил этиб, уларнинг ёрдамида юзлаб ёшларни тараққий этган Европа мамлакатларига ўқишига юборишга муваффақ бўлдилар.

Кўплаб жадидлар ўз ҳисобидан мактаблар очиб, ёш авлодни истиқлолга тайёрладилар, шеър ва мақолалар, саҳна асарлари орқали миллий онгни шакллантиришга, миллий фурур ва ифтихор туйгуларини сингдиришга уриндилар.

Ўз даврида мустамлака ҳисобланган ўлкамизнинг ўзлигини сақлаб қолишининг битта йўли бор, у ҳам бўлса маърифатдир деган ғояни илгари сурдилар.

Туркистон жадидларининг тан олинган раҳнамоси, мустақил жумҳурият ғоясининг байроқдори, ўзбек драмачилигини бошлаб берган биринчи драматург – Маҳмудхўжа Беҳбудий эди [5-5].

Маҳмудхўжа Беҳбудий (1875-1919) “Рисолаи асбоби савод” (“Савод чиқариш китоби”, 1904), “Рисолаи жуғрофияи умроний” (“Аҳоли географиясига кириш”, 1905), “Мунтахаби жуғрофияи умумий” (“Қисқача умумий география”, 1906), “Китобат ул-атфол” (“Болалар хати”, 1908) каби дарсликлари, “Икки эмас, тўрт тил лозим”, “Аъмолимиз ёйинки муродимиз”, “Ёшларға мурожаат”, “Муҳтарам ёшларға мурожаат”, “Бизни кемирувчи иллатлар”, “Эҳтиёжи миллат”, “Миллатлар қандай тараққий этарлар” каби мақолалари катта шуҳрат қозонди [6-8].

Буюк маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам ўтган асрнинг бошидаёқ “Дунёда турмок учун дунёвий фан ва илм лозимдур. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга поймол бўлур” деган фикрлари билан бутун Туркистон аҳлининг онгу шуурини, миллий маънавиятини уйғотишга даъват этгани бежиз эмас [4-199].

Яна бир машхур жадидчи, янги усул мактабларининг кенг тарғиботчиси, илк олий таълим муассасаларининг асосчиларидан бири Мунавварқори Абдурашидхонов эди.

Мунавварқори Абдурашидхонов (1878-1931) “Адиби аввал” (1907), “Адиг ус-соний” (1907), “Усули ҳисоб”, “Тарихи қавм турк”, “Тажвид” (1911), “Ҳавойижи диния”, “Тарихи анбиё”, “Тарихи исломия” (1912), “Ер юзи” (1916-17), 4 қисмдан иборат “Ўзбекча тил сабоқлиги” (Шорасул Зуннун ва Қаюм Рамазон билан бирга) дарсликлари муаллифидир.

Мунавварқори ўз фаолияти давомида педагогик, матбуотчилик, муҳаррирлик, адиблик билан чекланмай, жиддий сиёсий фаолият ҳам олиб борган, шу сабабли мустамлака ҳукумати томонидан бир неча бор ҳибс қилинган.

Мунавварқори Европа савдо-саноат, илм-фанини ўрганишга чақирган, маънавий қолоқликни қоралаган. Чор ва шўро ҳукуматлари олиб борган мустамлакачилик сиёсатига қарши изчил кураш олиб бориб, 1917-1924 йилларда “Шўрайи ислом”, “Турк адам марказият”, “Иттиҳод ва тараққиёт”, “Миллий иттиҳод”, “Нашри маориф” каби жамият, фирмә ва ташкилотлар фаолиятига раҳбарлик қилган. У виждан эркинлигини инкор этмаган дунёвий демократик давлат тарафдори бўлган.

“... бошқа миллатларни бойлари факир ва етимлар учун мактаб ва дорилфунунлар соладурлар, факир ва етимларни ўқумоғи учун вақф “истепендия”лар таъйин қилур. Бошқа миллат милийнерлари мактаби ила истепендияси-ла, идора қилатургон газет ва мажалласи-ла, бино қилган доруложизин (аёллар университети), барпо қилган жамъияти хайрияси-ла фахр қиладур.

Бизниklар жуфт оти-ла, аробаси-ла, тўйи ила ва ...ла фахр этар. Ҳатто ўз ўғилларини ўқутмайдургон бойлар бордур.

Бу кетишининг охири ямандур, ўқумоқ, ўқутмоқ керакдур. Болаларга оталардан илми диний ва илми замоний мерос қолсун” [4-201].

Ўтган асрнинг бошларида илгари сурилган ушбу фикрлар бугун ҳам ўз аҳамиятини заррача йўқотмаганлигини кўришимиз мумкин. Чунки юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар жараёнида кўришимиз мумкинки, замонавий билим, информацион технологиялар ва чет тилларини мукаммал эгаллаган ёшларгина ўзларининг юқори мақсадларига эриша оладилар.

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторига чиқишини мақсад қилиб олган эканмиз, таълим тизимиға янада кўпроқ эътибор қаратишимииз даркор. Янги, замонавий моддий-техник жиҳозланган мактаблар ташкил этиш, устоз ва мураббийларимизнинг билим-савияларини доимий равишда ошириб боришлирага етарли шарт-шароитлар яратиб бериш, ривожланган мамлакатлар тажрибасидан унумли фойдаланиш чораларини кўришимиз керак.

Дарҳақиқат, жадидчи боболаримиз ўз даврида миллатнинг маърифий ривожланиши ҳукумат билан бирга миллат бойлари эканлигига алоҳида урғу берганлар. Бойларни фақат турли моддий қийматдаги нарса-буюмлари ёки турли туй-

томушалари билан фахрланишларини танқид қиласы. Миллат бойларини жамият ва миллат равнақи учун мұхим ажамияттаға эга бўлган ёшлар таълими ва тарбиясига ҳомийлик қилишга чақиради.

Машхур маърифатпарвар, журналист, давлат ва жамоат арбоби Абдулла Авлоний (1878-1934) нинг фаолияти ҳам XX аср ўзбек жадидчилиги тарихида мұхим ажамияттаға эга.

Абдулла Авлоний янги мактаблар учун “Биринчи муаллим” (1911), “Иккинчи муаллим” (1912), “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” (1913), 4 қисмли “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” (1909-15) каби қўлланма ва ўқиш китоблар ёзиб, нашр қилдирган.

Авлоний янги усул мактабларини очиши, халқни саводхон қилиш, ўзбек хотин-қизларини ўқитиши, ўқитувчилар ва зиёли кадрлар тайёрлаш ишлари билан шуғулланган. У Эски шаҳардаги хотин-қизлар ва эрлар маориф билим юртларида мудир (1923-24), Тошкент ҳарбий мактабида ўқитувчи (1924-29), 1930-34 йилларда Ўрта Осиё университети тил ва адабиёт кафедраси мудири, профессор лавозимларида фаолият олиб борган. Шу даврда у ўзбек мактабларининг 7-синфи учун “Адабиёт хрестоматияси” тузиб, нашр эттириди (1933). Авлоний Ҳижрон, Набил, Индамас, Шуҳрат, Тангриқули, Сурайё, Шапалоқ, Чол, Чигабой, Абдулҳақ таҳаллуслари билан танқидий ва илмий мақола, 4000 мисрадан ортиқ шеър ижод қилган.

Абдулла Авлоний ўз асарлари орқали ёш авлодни билим олишга, ўз ватанига муносиб хизмат қилишга чақиради. Тўғри тарбия ва таълим орқали ҳар қандай муаммони ечиш мумкинлигини содда ва равон тилда баён этиб беради. “Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатларнинг тинч ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдир”, дейди у [7-36].

Маърифатпарвар бобомиз ўз ватанини севадиган, ардоқлайдиган ёшларни яхши хулқ соҳиби сифатида кўради. Яхши хулқ сифатида эса қўйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтади: диёнат, ғайрат, қаноат, шижаот, илм, сабр, интизом, виждон, ватанинни сўймак ва бошқалар.

Яхши хулқлар соҳиби бўлган фарзандларимиз ўз ватанларини нафақат авайлаб-асрашлари, балки шу юрт равнақи учун хизмат қиласиган, унинг ривожланиши учун ўзининг бор имкониятларини сарфлайдиган инсонлар бўлиб вояга етадилар.

Маърифатпарвар бобомизнинг қўйидаги фикрларига эътибор беринг: “Ёшлиқдан бошлаб зеҳн ва идрокимизни қувватландурмак учун азиз умримизни ўйин-кулгу, сафсата молояъни (маъносиз) каби беҳуда сўзлар ила ўткармай, ҳар хил китоб, ғазита ва журнолларни ўқуб, фикримизни очмоқ, зеҳнимизни қувватландурмак лозимдур” [7-60].

Бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидоийлик билан кураша олиши мумкин [3-16].

Шундай экан, ҳақиқий ватанпарвар инсонларни тарбиялашдаги энг муҳим омиллар сифатида ёшларимизни бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор беришимиз зарур.

Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади. Шарқ донишмандлари айтганидек, “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!”

Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак [1].

Шу нарсани унутмаслик лозимки, оилада, таълим муассасаларида, жумладан, мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим тизими ёшларимизни ҳар томонлама ўсиб-улғайишларида ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳам айнан шу даврда ёшларни бўш вақтларини тўғри тақсимлаш, уларни бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун етарли шарт-шароит яратиб бериш муҳим омил бўлиб хизмат қиласиди.

Шу сабабли ҳам фарзанд тарбиясига фақат бир киши ёки қайсиидир ташкилот ёхуд муассасанинг иши сифатида қараш мутлақо нотўғри. Бугун биз тарбиялаётган ёшлар жамиятимизнинг, ватанимизнинг эртанги эгаларидир. Уларга ҳар биримиз, ким бўлишимиздан, қайси соҳада фаолият олиб боришимиздан қатъий назар, ҳеч қачон лоқайдлик билан муносабатда бўлмаслигимиз керак.

Биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чукур ўрганишимиз керак.

Бу маънавий ҳазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади [1].

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатнома.

2020 йил 24 январ. www.aza.uz

2. Ш.М.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2021 й.

3. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият” 2016 й.

4. М.Беҳбудий. Танланган асарлар. Т.: “Маънавият” 1999 й.

5. М.Беҳбудий. Танланган асарлар. (Тузатилган ва тўлдирилган 3-нашри) Т.: “Маънавият” 2006 й.

6. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 2-том. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. -Т.: 2001 й.

PEDAGOG RESPUBLIKA ILMIY JURNALI

6 – TOM 6 – SON / 2023 - YIL / 15 - IYUN

7. А.Авлоний. Танланган асарлар. 2-жилд. Т.: “Маънавият”, 2006 й.